

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 107 (6. 806)

1989 йил 11 май, пайшанба

Баҳоси 3 тийин

Тонги

газеталарда

«Янгиликларнинг ҳуқуқий воситаси» — «Правда» газетасининг КПСС Марказий Комитетининг апрель (1989 йил) Пленуми материалларига бағишланган бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

«Тоғли Қорабоғдаги воқеаларга доир» ТАСС хабари эълон қилинган. Мақолада май ойининг дастлабки кунлари рўй берган воқеалар ҳақида кўрилади.

«Бешинчи гилдираксиз» — «Известия» газетасининг допзариб мавзусидаги бугунги мақоласи ана шундай номланади. Мақолада «Тошкент» агрофирмаси фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.



«Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ истеъмоли моллари цехида аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган рўзгор буюмлари тайёрланади. Цех коллективни план тошприқларини мунтазам равишда ошириб бажариш. Бу ерда тайёрланадиган хўжалик молларига, уй бечалари рўзгорга ишлатиладиган буюмларга талаб кундан-кунга ошиб боради.

Рангил тасмакорлар учун махсус столчалар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш ва уларнинг аъло сифатини таъминлаш бугун цех олдиди турган муҳим вазифалардан бири.

Стол йиғувчи ишчилар орасида Х. Киримовни цех леникдавлари сафида тилга олишди. Илгори ички план тошприқларини 110 процентдан ошириб адо этгани, умумий натижаларга муносиб ҳисса қўягани. У столларнинг ҳар бир қисmini иппик-пухта мустаҳкамлаб, узоқ муддатга чидамли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади.

СУРАТДА: Х. Киримов.

Р. Шарипов фотоси.

Е. К. ЛИГАЧЕВНИНГ Ўзбекистонда бўлиши

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев 9 май куни Тошкентга келди. У КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларини рўйбга чиқариш, Озиқ-овқат программасини бажариш, Урта Осиё регионини хўжаликлари билан Урал, Сибирь қороналари ўртасида бевосита узок муддатли алоқалар ўрнатиш йўллари қидириб топишга бағишланган кенгашида қатнашди.

Аэропортда Е. К. Лигачевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аълоликка кандидатлари

Р. Н. Нишонов, В. П. Анишев, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, Г. Х. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, В. И. Огарок, Х. Алимова, И. Х. Жўрабеков, А. С. Ефимов, В. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Қизил Байроқ ордени кўшнлари қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Морганов кутиб олдилар.

10 май куни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев Сурхондарё

области меҳнаткашларининг турмуши билан танишди.

Қайта қуриш қандай бораётгани, партиянинг агро-саноат комплексини жадал ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини бажариш, қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги қарорлари қандай амалга ошириляётгани, нуқулдай об-ҳаво оқибатларини бартараф этиш учун қандай чоралар қўриляётгани ҳақидаги масалалар Е. К. Лигачевнинг деҳқонлар, ишчилар, мутахассислар билан қилган суҳбатларининг марказида бўлди.

Термиз райониди «Ок-

тябрь 40 йиллиги» колхозига биринчи бўлиб борилди ва шу ернинг ўзидеки учрашувларга амалий тус бағишланди. КПСС Марказий Комитетининг секретари бу ерда В. Громницкий бошлиқ сабзавотчилик бригадасида бўлди. Бу коллективнинг оилавий пудрат усулида ишлаётган 34 та звеноси бор. Бригада аъзолари билан суҳбатда меҳнатини ташкил этишининг янги шакллари янада ривожлантириш, ижара пудратига ўтиш муаммолари кўтарилди. Сабзавоткорлар лнчича ишлашнинг дастлабки ақунари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Хайробод темир йўл стан-

циясида бўлиш вақтида мамлакатнинг саноат марказлари аҳолисини сабзавот ва мева билан таъминлаш масалалари ҳусусида гап борди, бу станцияда боғдорчилик-полиэтил маҳсулотлари вагонларга ортиб жўнатилямоқда.

Е. К. Лигачев «Сурхон» тажриба-экспериментал совхозида янги боғларни қўздан кечирди. У боғдорлар билан суҳбатда аҳолини витаминли маҳсулот билан таъминлашни яхшилашга қаратилган ишларнинг жуда муҳим эканлигини қайд этиб ўтди.

Шу кунги Е. К. Лигачев Сурхондарё области партия-хўжалик активлари билан

(ЎЗАТ).

14 май—СССР халқ депутатлиги қайта сайловлар куни

СССР халқ депутатлиги номзодлар



598-ТОШКЕНТ — КИРОВ ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИДАН

МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

1952 йилда Андижон областида туғилган. Бухородаги «Мирараб» мадрасасини битирган, сўнгра Имом ал Бухорий номидаги Тошкент Олий Ислон институтига, сўнгра Ливия Ислон университетига ўқишга кириб, итти-ёзлик диплом билан тугатган.

Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг органи — «Совет Шарқи мусулмонлари» журналда ва САДУМ халқаро алоқалар бўлимида ишлаган. 1982—1986 йилларда Тошкент Ислон институтининг проректори, 1986 йилда ректори бўлиб ишлаган.

1989 йилда Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари IV қўрултойида САДУМ раиси этиб сайланган ва унга олий диний муфти унвони берилган.

САЙЛОВОЛДИ ПРОГРАММАСИ

Тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида фаол иш олиб бориш:

- халқаро алоқаларни янада ривожлантириш;

- халқаро диний ташкилотлар ва жамятлар билан ҳамкорликда инсониятни ядро уруши ҳафидан ҳимоя қилиш ва ялли қирилиб кетидиган асраб қилиш;

- тинчликсевар жамоатчилик билан ҳам-дўстликни кучайтириш;

- жамятнинг маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш, ижтимоий ва оилавий ҳаётини инсонийлик руҳи билан таъминлаш, раҳи-шафкатга ҳизмат қилиш, халқлар ўртасида қар-дошлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- ақидон эркинлиги ҳақидаги янги қонун-ни тўла қўллаб-қувватлаш ва уни ҳаётга жо-рий этиш;

- диний ташкилотлар ва жамоатчилик воситачилигида ўсиб келаётган авлодни маъ-навий ва жисмоний тарбиялашда молжавий ва руҳий ёрдам кўрсатиш. «Оналик ва бола-лик» марказларига, қарилар истиқомат қиладиган уйларга, маҳалларда истиқомат қиладиган ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ёл-ғиз кишиларга моддий ва руҳий ёрдам бе-риш;

- ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шаро-итларини тубдан яхшилаш;

- экология муҳитини муҳофаза қилишда, тарихий ва меъморчилик ёдгорликларини таъ-мирлашда, маданий меросини ҳимоя қи-лишда фаол иштирок этиш;

- шахсан ташаббус кўрсатиб, Тошкентнинг Собир Раҳимов, Киров районларида Урта Осиёнинг иқлими ва шарт-шароитлари ино-батга олинган уй-жойлар қурилиши суръат-лари оширишда иштирок этиш.



117-ТОШКЕНТ — ОКТЯБРЬ МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИДАН

МУҚИМЖОН ХОЛМАТОВИЧ
АЗИЗОВ

1962 йилда Фарғона областида туғилган.

1980 йилда ўрта мактабни тугатгандан сўнг ўша йилдеки Совет Армияси сафларига қаби-рилган. Чекланган совет қўшинлари таркибиде Афғонистонда интернационал бурчини ўтаган. Ҳарбий хизматдан бўшагандан сўнг Фарғона областининг Бағдод районидеги «Дўстлик» совхозида слесарь бўлиб ишлаган. 1984 йилда Тошкент автомобил йўллари инсти-тутини тайёрлов бўлимига ўқишга кирган. 1985 йилдан Тошкент автомобил йўллари инсти-тутининг студенти.

ВЛКСМ аъзоси. Институт интернационалчи-жанинган кенгашининг раиси.

САЙЛОВОЛДИ ПРОГРАММАСИ

- ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш-ларнинг сийёсий ва социал-иқтисодий аҳамият-га молик муаммоларини ҳал этиш, «Ёшлар тўғрисида» СССР Қонунининг қабул қилини-шини ёқлаш;

- ёшларнинг социал аҳамиятга молик та-шаббусларини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий ва моддий шарт-шароитлар яратили-шига эришиш;

- Советлар съезди эътиборига Урта Осиё региони қишлоқ хўжалиги монокультурасини бартараф этиш зарурати тўғрисидаги маса-лаки ҳавола этиш.

- республикада уй-жой муаммосини ҳал этишининг аниқ программаси ишлаб чиқишши ва амалга оширилиши учун курашиш. Сту-дентларнинг ётоқхоналарда ўринлар билан, шу жумладан, оилавий студентларнинг уй-жой билан таъминланишига эътибор бериш, бунда интернационали-жангчиларга ва уларнинг оилаларига алоҳида эътибор бериш;

- қишлоқ хўжалигида кимёвий воситалар қўлланилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилишига эришиш, бу республикада эко-логия вазиятини яхшилаш имконини беради;

- студентлар, ўқувчилар, шаҳарликларни қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этишга бар-ҳам бериш тўғрисидаги масалани қўйиш;

- олий ўқув юртлири, мактаблар ва мак-табгача болалар муассасалари, соғлиқни сақ-лаш ташкилотлари моддий базасини мустаҳ-камлаш учун ажратилдиган маблағларнинг қўлайтирилишига эришиш.

- Советлар съезди кўриб чиқиши учун ки-риштиладиган ва совет халқи турмушини яна-да демократиялашга, миллатлараро муноса-батлар муаммоларининг ҳал этилишига, со-вет халқининг турмуши яхшиланишига қаратил-ган барча тақлифларни қўллаб-қувватлаш.



АКРАМ ҚУРБОНОВИЧ ЭРГАШЕВ

1931 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини 1955 йилда Ленинград политехника инсти-тутини тугатгандан сўнг бошлаган. Челябинскда, Фарғона водийси шаҳарларидаги нефть, хи-мия ва енгил саноат объектилари қурилишида мастер, прораб, бош инженер, монтаж бош-қармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1963 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митети оғир саноат ва машинасозлик бўлими-нинг инструктори этиб тайинланган. 1967 йил-да КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Иж-тимоий фанлар академиясини тугатгандан сўнг «Ўзбекгидроэнергострой» трестига рақ-бар этиб тайинланган. 1975—1980 йилларда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раис-нинг биринчи ўринбосари бўлган. 1981 йилдан бери «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси.

1960 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайланган. Ўз-бекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент область партия комитетининг аъзоси.

САЙЛОВОЛДИ ПРОГРАММАСИ

СССР халқ депутатининг программаси: меҳ-наткашларнинг фаровонлигини янада ошириш борасидаги биринчи навбатдаги вазифалар-ни ҳал этишдан келиб чиқиши лозим, деб ҳисоблайман.

Бунинг учун қуйидагилар зарур:

- республика экономикаси тубдан юксали-шини таъминлаш. Ушбу муаммони республика-нинг куч-қувватлари ва имкониятлари билан ҳал этиш мумкин ва ҳал этиш лозим, деб ҳи-соблайман. Бунинг учун унинг экономикасини тўла регионал хўжалик ҳисобига ўтказиш ке-рак.

- республиканинг куч-қуввати ва имко-ниятлари билан Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, бунинг учун ўзга экиладиган майдон-ларни қисқартириш, ўзга навларини яхшилаш ва тола олишни қўлайтириш;

- Октябрь, Киров ва Собир Раҳимов ра-йонларининг маҳаллалари ва айрим микро-районларига социал-турмуш шароитларини тубдан ўзгартириш, газлаштириш, телефони-лаштириш, марказлашган ҳолда иссиқлик билан таъминлаш, сув таъминоти даражасини кўтариш, қўчалар ободончилигини яхшилаш, каналла-зиш қишлоқкорларини бунёд этиш. Мактаб-лар, поликлиникалар, магазинлар, ҳаммомлар, маънавий хизмат қороналари қурилишига ало-ҳида эътибор бериш;

- безорилик, босқинчиликка қарши ку-раш, Тошкент шаҳрида ҳамда республикада жамоат тартибин яхшилаш юзасидан махсус қарорлар қабул қилинишига ва амалий чора-тадбирлар қўрилишига эришиш;

- қарилки ва инвалидлик бўйича бериладиган пенсияларни қўлайтириш, хотин-қизлар учун иш кун ва иш ҳафтаси давомийлигини қисқартириш ва оналиқни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қарорларнинг қабул қилинишига ёрдам бериш;

- республика сув ресурслари ва сув ҳав-залари аҳолини яхшилаш учун курашиш;

- мактаблар қурилиши суръатини ошириш, синфларда 15—20 ўқувчи таълим олгани ҳо-лда уларни бир сменали ўқишга ўтказиш.



ХАЙРУЛЛА ҲУСАНОВИЧ РУЗИЕВ

1935 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1952 йилда Тошкент ша-ҳар Москва район ижроия комитетида курыерликдан бошлаган. 1954—1957 йилларда Совет Армияси сафларида хизмат қилган. Сўнгра Тошкент электромеханика заводида рухловчи бўлиб ишлаган. 1958 йилдан бери Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқар-масининг троллейбус ҳайдовчиси. 1986—1988 йилларда 2-троллейбус депозитини эксплуатация бўлими бошлиғи бўлган. Ҳозир ҳайдов-чи бўлиб ишлямоқда.

1970 йилдан КПСС аъзоси.

Жамоатчилик ишларида фаол иштирок эта-ди. Бошқарма партия комитетининг аъзоси, маҳаллий саноат ва коммунал-маънавий қорона-лар ходимлари касабга созиш республика комитети президиумининг аъзоси.

САЙЛОВОЛДИ ПРОГРАММАСИ

- чинакам тенг ҳуқуқчиликке, барча халқ-лар ва эллар аънаълари, тарихи, мадания-ти, тили ва санъати қўқур ҳурмат қилинишига эришиш;

- бутун давлат ҳаёти демократиялашуви-га, граждандарнинг чинакам ҳуқуқий ва социал муҳофаза қилинишига эришиш. Конститу-цияда қарорларнинг қабул қилиниши ва қа-бул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши учун марказ ҳам, иттифоқдош республикалар ҳам, маҳаллий Советлар ҳам баравар даража-да масъуллар, деб ёзилишига эришиш;

- Советларнинг барча даражадаги раислари халқ томонидан тўғридан тўғри сайланишига ўтиш, жамоатчи ташкилотлардан халқ депутат-лари сайланишига барҳам бериш;

- пахта тайёрлаш планларини қамайтириш ва пахта экиладиган майдонларни қисқарти-риш, чорвачилик, қишлоқда ижара пудрати ва кооперацияни, шаҳар — қишлоқ шартнома асосидаги алоқаларни ривожлантириш, жой-ларда сабзавотлар сақланадиган омборхона-лар қуриш, мева-сабзавот маҳсулотларининг бевосита жойларда қайта ишланишини ривож-лантириш;

- уй-жой муаммосини ҳал этиш, маъму-рий ва ишлаб чиқариш бинолари қурилиши-ни кескин қамайтириш, тарихан тарихи топан-якка тартибдаги қурилишни ривожлантириш, янги қурилишлар районларида миллий услуб-ни сақлаб қолиш. Квартираларнинг тақсим-ланиши ва социал-маданий-маънавий объект-лар қурилиши устидан ишчилар назоратини ўрнатиш;

- мансабдор шахсларга яратилган барча имтиёзларни қонун йўли билан тугатиш: ҳеч қандай махсус магазинлар, поликлиникалар, санаторийлар ва ҳоказолар бўлмаслиги ке-рак;

- шаҳар транспорт муаммоларини ҳал этиш, метро, трамвай-троллейбус каби электр транспортини устуни равишда ривожланти-риш;

- атроф-муҳитни соғломлаштириш ва му-ҳофаза қилиш давлат программасини пайсал-га солмай ишлаб чиқиш ва уни реализация қилишига киришиш;

- чакана нархларнинг ошишига қарши ку-раш, нарх-наво ўсишига қарши ҳимоя ме-ханизмлари жорий этиш.

Шаҳар—қишлоққа

Самолётсозларнинг дастлабки ёрдами

© В. П. Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чи-қариш бирлашмаси коллек-тив пойтахт областининг Оржоникидзе районидеги хўжаликларга дарҳол сал-моқли ёрдам берди.

Бирлашма партия комите-тидан маълум қилишларича, табиий офат ҳақида хабар келиши билан амалий чора-лар қўрилди. Район раҳба-рийти ва деҳқонларнинг ўз-

лари билан маслаҳатлашил-ганда, биринчи гадада қўшм-ча транспорт зарурлиги ра-вшан бўлди.

Қоронада Оржоникидзе районига ҳозирнинг ўзидеки бешта ағдарма машина ва юк ортқи механизмин жўна-тиди. Деҳқонлар ана шу техника ёрдамида биринчи гадада ишларни яқин уч-тўрт кун ичида тугатлашни мулкялламоқдалар.

Мармарсозлар—

«Тошкент» совхозида

© «Тошкент» мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив 30 апрелдаги табиий офатдан зарар қўр-ган дала миришкорларига ҳамдард бўлмоқда.

Коллектив ўз имконияти-дан келиб чиқиб иккита юк машинаси, дизель ёқилғиси ва полиэтилен пленкалар етказиб берди. Шунингдек, ишни жадаллаштириш мақ-садида қоронадан бир неча

мутахассис совхоз «қишқи полиз» хоналари ремонтни тезлаштиришга қўмак-лаштиляпти.

— Яқинда иссиқхоналар учун ойна юборамиз, — дей-ди бирлашма директори С. Абдукаримов. — Тошкент раёнининг «Тошкент» сов-хоз табиий офат оқибатла-рини тезроқ тугатишга қан-дай ёрдамга муҳтож бўлса, биз ҳамиша елкадошимиз.

Оталик ёрдами кучайтирилди

© Тошкент агрегат заво-ди ишчи-хизматчилари ота-лиқдаги Тошкент райони-нинг Илчи номи колхоз-ига беминнат ёрдам қўли-ни қўздилар.

Қорона автотранспорт, юк ортувчи машина, қуварлар ва эҳтиёт қисмлар юборди.

Халқаро савдо-сотиқ муаммолари

Тошкентда Осиё ва Океания мамлакатлари савдо ҳодимла-рининг биринчи жаҳон кон-ференциясига тайёргарлик кўрувчи ишчи группанинг уч-рашуви тугади. Учрашувда етти давлат: Австралия ва Вьетнам, Ҳиндистон ва Ма-

лайзия, Янги Зеландия, СССР ва Таиланд давлат савдо та-шкилотлари ва матбуот кооп-ерациялари тармоқ касабга созилаётгани раҳбарлари иштирок этидилар.

(ЎЗАТ).

Спорт хабарлари

© ФУТБОЛ. Кеча Туркия пойтахти — Истамбулда жа-ҳон чемпионатининг финал босқичига йўллана учун на-вбатда саралаш матчи бўлиб ўтди. Совет нарм тўп устала-ри туркиялик футболчилар меҳмони бўлишди.

ГДР футболчиларини йирик ҳисобда енгган командамиз бу учрашувга ҳам пухта тайёр-гарлик кўрган сезилиб тур-ди. Футболчиларимиз учра-шувнинг дастлабки дақиқала-рида ноқўлай ташаббусни қўлга олиб, кетма-кет ҳужум уюшти-ра бошладилар. Учрашувнинг 42-минутда Олег Протасов оширган тўпни Александр Михайличенко дарвозага тўғри йўналтири билди. Ана шу тўп футболчиларимизга ғала-ба олиб келди. Шундай қилиб, яна икки очкони қўлга кирит-ган футболчиларимиз турнир жадалидеги ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Груп-падаги яна бир йўллана учун Туркия ва Австрия терма ко-мандалари дэвогарлик қил-моқдалар. Навбатдаги турда —31 май кунги футболчилари-миз ўз майдонларида Исландия терма командасини қабул қилишди.

© ВЕЛОСПОРТ. Аънавий «Тинчлик» велоспортгада ҳам-шахримиз Жамолддин Абду-жабборов муваффақиятли қат-нашмоқда. Биринчи ва ик-кинчи босқич натижалари бў-йича қаровонбонилик қилган Жамолддин учинчи босқичда маррага ўиничи бўлиб келди.

Утган кунги биринчи лига командалари навбатдаги 8-тур

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленуми олдидан

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси: «СССРдаги барча гражданиннинг она тилларини эркин ривожлантириш ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш, совет кишилари томонидан миллатлараро алоқа воситаси тарзида эркин қабул қилинган рус тилини эгаллаш — кўп миллатли давлатимизнинг муҳим принциплари. Миллий — рус ички тилиги ҳар бир регионнинг ҳусусиятларини эътиборга олиб, уйғун равишда, табиий ривожланиб бориши, расмий-иқтисодий ҳоли бўлиши учун ҳамма шароитларни яратилиши лозим. Давлат турмуши, иқтисодий ва маданий турмушнинг турли соҳаларида миллий тилларнинг актив ишлатилиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин», деб таъкидлади. Гап шундаки, марксизм-ленинизмнинг миллий масала бўйича назарияси, Коммунистик партиянинг бу соҳадаги программаси ер юзидики, ҳар бир кўп миллатли мамлакатдаги миллат ва элатларни иқтисодий ва маданий дунёдан озод қилишни, улар ўртасида ўзаро ишонччи, дўстлиқчи муносабатларни, миллатлар ва элатлар ўз тақдирларини ўзлари белгилаши ҳуқуқларини эътиборга олиш ва уни амалда ҳаётга таъбиқ этишни, миллатлар ва тиллар тенг ҳуқуқли эканлигини тўла эътиборга олиш, ҳар қандай миллий устунилик ва четланганликни йўқ қилиб ташлашни, ҳар бир миллат фарзанди ўз она тилида ўқув юрларида ўқини ҳуқуқини таъминлашни талаб қилади ва бу талабларни, ҳар бир миллат ва элат тарихига, маданиятига, тилига унинг минг йиллар давомида таркиб топган анъаналарига ҳурмат билан қарашни атрофлича илмий жиҳатдан асослаб беради.

Улғур Октябрь социалистик революциясидан кейин В. И. Ленин раҳбарлигида Коммунистик партия ва совет давлати миллий масала бўйича марксизм-ленинчи назария ва партия программасини ҳаётга ижтисодиёт билан жорий қилди, кўп миллатли Ватанимизда миллий, иқтисодий, маданий, илмий-техник ва ҳар бир миллатнинг ўзига хос ҳуқуқини, уларнинг муносиб миллатларга тенг ҳуқуқли эътиборга олиниши, улар ўртасида ўзаро ишонччи ва дўстлиқчи таъминлашга қаратилган ленинчи миллий сиёсат ҳаётга таъбиқ этилди.

Шу билан бирга КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси таъкидлаб ўтганидек: «Кўп миллатли Советлар давлати вужудга келган дастлабки босқичта соҳа динимиз миллий сиёсатнинг ленинчи принципларида четга чиқиши, шахсга сиғиниш даврида қонунийликни бузиш ҳоллари, турғунлик идеологияси ва психологияси оқибатида бирмунча бой берилиб, пугурдан кетиб қолди... Айрим республикалар... маданий тараққиёт эҳтиёжлари ҳисобга олинмади».

Шахсга сиғиниш даврида, кейинчалик турғунлик идеологияси ва психологияси вужудга келган 70- ва 80-йиллар бошларида йўл қўйилган хатолар миллий тилларнинг тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, агар ўзбек тилини олиб кўрадиган бўлсан, бу тилда минглаб шовилар, ёзувчилар, олимлар ўз асарларини ёзиб, жаҳон маданиятига катта ҳиссаларини қўшган эдилар. Ўзбек тили дунёдаги бой, жўшқин, серқиррали тиллардан бири эди. Афсуски, ўзбек халқининг ана шу маданий бойлиги ҳамон етарли даражада ўр-

ганилмайди. Бунга бир неча сабаблар бор. Улардан бири шунки, урушдан олдинги 10 йил мобайнида афавит исми марта ўзгарди, яъни 1930 йил 7 ноябрдан бошлаб араб алфавитидан лотин алфавитига, 1940 йилнинг 8 майдан ўзбек ёзувини лотин алфавитидан рус графикаси асосидаги лотин алфавитига ўтказишди. Бунинг устига миллий эътиборнинг, маданият ҳодимларининг катта қисми 30-йиллари ўтказилган оммавий репрессиянинг қурбон бўлди. Айни пайтда республикада бошқаришда, иқтисодий вазиёларни амалга оширишда, ўзбек тилидан фойдаланиш, оғзини ва ёзиш доираси қисқариб борди. Буларнинг ҳаммаси дугунти кунга келиб ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш, уни қонун йўли билан ҳимой қилиш заруратини тугдирди.

Давлат тили: манфаатлар муштарақлиги

Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш республикада яшаб турган бошқа халқлар манфаатига пугур етказмаслиги керак. Ҳар бир граждани ўз она тилида ўқини, ўз миллий маданиятини эъзозлаши, демократик асосда ўзи истаган тилини ўрганиши учун қонун билан таъминланган имкониятга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада яшайтган рус, тожик, қозоқ, қорейс, қрим-татарлари сингари халқларнинг тили, маданиятини ривожига, унга ғамхўрлик қилишга эътибор бермоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ана шу халқлар тилининг ҳуқуқини асло поймол қилмайди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми беришдан мақсад республика номи билан аталган тилда сўзлашув, конференциялар, сессиялар, мажлислар, пленумлар, митинглар ўтказилишини, идорада бошқарув ишларини шу тилда ташкил қилишни таъминлаб бериш лозим. Бу ўзбек бўлмаган аҳолининг бир қисмига қийинчилик туғдирмаслиги керак. Бунинг учун давлат йўли билан уларга ўзбек тилини ўргатишда имкони борида ердан қўли чўзилиши даркор. Доклад ва чиқишларни бир вақтда рус тилига таржимаси таъминлашни керак.

Тарихга назар ташлар эканмиз, Совет ҳокимиятининг ilk йилларидаюқ В. И. Ленин, Коммунистик партия миллий тиллар тараққиётига кенг йўл очиб берган эдилар. Уша йиллари ҳар бир халқнинг ўз она тилисида мактаблар, клублар, қирғоқхоналар, партия ва совет мактаблари, турли курслар, театрлар ташкил қилинар, миллий тилларда адабиётлар, газета ва журналлар нашр этилиб, марксизм-ленинчи на-

зариялар, РКП (б) ва Совет ҳокимиятининг ҳолилари халққа яқин тилда пропаганда қилинарди, партия ва совет қўрилишида миллий, маданий ҳусусиятлар эътиборга олинарди. Миллий кадрларни тарбиялаш ва голий чиниқтиришга эътибор қўйиб кучли эди.

1918 йил 13 ноябрда Москвада РКП(б) Марказий Комитети ҳузурида Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг марказий бюроси ҳам тузилди, унинг зиммасига Совет шарқи халқлари тилларида адабиётлар нашр этиш вазифаси қўйилган эди. Қайратига 1918 йил декабрь ва 1919 йил январда бу марказий бюро ўзбек, тожик, қозоқ, озарбайжон тилларида 2 миллион нуска газета, рисолалар, мурожаатномалар босиб чиқарди ва тарқатди. Бу рақамлар кейинги йилларда яна ўсиб

рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда эълон қилиниши ҳам лозим. Давлат аппаратида, иқтисодий ташкилотларда ишлайтган мансабдор шахслар граждандар билан мулоқотда давлат тилидан фойдаланади ёки бошқа тиллардан таржимон ёрдамида фойдаланиши мумкин бўлади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми беришда республика аҳолиси миллий состави, унинг соини ва ўзи бу жойда кўпчиликини ташкил этаётганини ҳам назарга эътибордан қолдириб бўлмайди. Аҳолисининг кўпчилигини руслар ташкил қилган районларда идора ишларини, иш юргизишни рус тилида, тожик районларида тожик тилида, қозоқлар кўпчиликини ташкил қилган қозоқ районларида қозоқ тилида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрдаман.

Яна бир муаммони тўғри ҳал этиш зарур. Бу ерда гап ўзбек бўлмаган граждандар ва уларнинг фарзандларини ўқув юрларида миллий тилда ўқитиш ҳақида боради. Олий мактаб ва ўрта махсус билим юрларида республикада яшайтган юздан ортиқ миллат ва элатни ўз она тилида ўқитиш учун шароит яратиш мушкул иш. Шу босқичда бу ўқув даргоҳларида ўқитиш ва таълим ишлари давлат тилида, рус, тили, қорақалпоқ, тожик ва қозоқ тилларида ташкил қилиш мумкин. Лекин бу ўқув юрларида давлат тилини ўрганиш зарурлиги, унинг яқин йўлга қўйилиши, уларни битирганлар ўз вазифаларини давлат тилида олиб боришга етарли билимга эга бўлиши, бунинг учун уларда ўзбек тили кафедралари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш республика территориясида истиқомат қилаётган бошқа халқлар ҳуқуқини қамситмаслиги, маънавий қашшоқлиққа, миллатчилик ва шовинизм қўрилишига олиб бормаслиги лозим.

Ўзбекистон ССР ўз давлат тили мақомига эга бўлар экан, ўзбек тили ҳуқуқли давлат йўли билан ҳимоя қилинади, «Республиканинг Совет Иттифоқи давлат бошқармалари, унинг иттифокдош республикалари ва чет эл билан алоқалари қайси тилда олиб борилади?» — деган савол туғилиши мумкин. Албатта, Ўзбекистоннинг алоқалари Совет Иттифоқи давлат бошқармалари ва СССРнинг иттифокдош республикалари билан рус тилида олиб борилади. Чунки, бошқа республикалар ҳам Ўзбекистон ССР билан ўз алоқаларини шу тилда олиб боради. Рус тили умумиттифоқ, умум-федерал тил бўлиб қолади. СССР давлатининг ҳарбий сиёсати, ташқи сиёсати шу тилда олиб борилади. Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан кенгайиб бораётган алоқаси эса, ўзбек ва рус тилларида олиб борилиши мумкин.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериши қонун йўли билангина амалга ошириш мумкинлиги яқини маълум. Қонун ва ҳуқуқ эса жуда нозик ва муқаддас иш. Бу ишга енгил-елпи қараб бўлмайди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми ҳуқуқли бериладиган, уни турли ривожлар билан қечқаш, қонуний кучини қамситиш ҳам, ёнқини уни бир ёқлама талқин қилиш ҳам мумкин эмас. Шу босқичда ҳам бу қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши лозим.

А. АҚРАМОВ,

тарих фанлари доктори, профессор.



Кенг тарқалган халқ ривоятларига қараганда, бахт келтирувчи қўшлар Марказий Европада тобора камаяиб кетаяпти. Масалан, ГДРда оқ лаялақлар «Қизил китобга» ёзилган. Ана шу қўшларни ағраб қолдиш, сонини қўлайтириш учун компания бўлган республикага ёзилган. Мазкур компанияда оқлар, табиати муҳофаза қилиш жамиятининг фаоллари, табиий, шахар ва қишлоқларнинг аҳолиси иштирок этишпти. Аҳолиси 350 кишидан иборат Рюшэт қишлоғида [Шерин округи] 22 та қўлай қўшлар уяси, шу жумладан инсон қўли билан эндиқина асалган уялар бор. Апрель ойининг бошидан бери уларнинг яримдан кўпига иссиқ ўлкалардан ўчиб келган лаялақлар жойлашди. Утган йили шу ерда 20 муфат лаялақ «истиқомат қилган», улар 49 папанон очган эди. Сўнгги рақамни ўзига ҳок рекорд деса ҳам бўлади. СУРАТДА: оқларнинг ташвишлар бошланди...

АДН — ТАСС ФОТОСИ.

Социализм мамлакатлари тажрибасидан

ХИТОЙДА ИЖАРА

1984 йилдан бошлаб Хитойда майда давлат корхоналарининг айрим шахсларга ва коллективларга ижара бериш бошланди.

Хитойда ҳозир яқин тўртб-даги ижара, коллектив ижара, ҳўжаликлар ижара ҳамда ижара бозори мавжуд.

Яқин тўртб-даги ижарада шу корхонанинг ишчиси ёки хизматчиси корхонани ижарага олади. Бунда ҳам муайян тартиб бор. Масалан, Ухан шаҳрида олдиндан ижарачи номзод танланади. Номзодлар билан сўхбат чоғида уларнинг ҳўжаликни бошқариш соҳасидаги билимлари аниқланади. Сўнгги ҳўжаликни юртиш лойиҳаси тақдим қилинади. Бундан ташқари ижарачи ҳўжалик юртиш юзасидан ўз лойиҳасини ҳимоя қилиши керак. Ҳимоя давомида номзоднинг ишбилармонлиги ва маъласи синаб кўрилади. Бу синовлардан ўтган номзод корхона ижарачиси бўлади. Шундан кейин ижарачи ҳамда корхонани юртиш учун жавабгарлики зиммасига олган ички вақил муайян баҳо қўйилган шахсий мулкларини гаровга қўйдилар. Корхона ва нотериал идора вақилларни гаровга қўйилган мулкни текшириб, рўйхатга олади. Ижарачи ижара ҳақидаги шартнома имзолайди.

Хитойдаги коллектив ижарачи эса уч турга ажратилиши мумкин. Биринчиси — корхона ишчилари ва хизматчилари коллектив равишда корхонанинг ижара феолиятини юргизувчи коллективларидан бир кишини ижара феолиятини юргизувчи этиб сайлайдилар.

Иккинчиси — шу корхона раҳбарларидан иборат коллектив корхонани ижарага олади. Одатда, директор мухассислар билан биргаликда корхонани ижарага олади. Учинчиси — бошқа корхона раҳбарлари, ишчилари ва хизматчилари биргаликда корхонани ижарага олади.

Коллектив ижарада корхонанинг ҳамма раҳбарлари, ишчилари ва хизматчилари унинг ижарачилари бўлиб ҳисобланадилар. 1987 йил бошида Фушун металлургия комбинати ўзининг филиали бўлган трубкопик заводини унинг коллективга ижарага топширди.

Ҳўжаликлар ижара усулида юқори фойда олиб ишлайтган корхоналар кам рентабелли ёки зарар қўраётган корхоналарни ижарага олади. Ижарачининг бу турли хали янги бўлиб, ҳар томонлама ўрганиши талаб этади.

Хитойда майда давлат корхоналарини ижарага бериш бу корхоналарнинг 95 процентдан кўпроғида ўзини тўла оқлади. Улар феолиятининг барча қўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилади. Айниқса, махсуслот ҳажми ва даромад кескин ўсди.

Хозирги вақтда Хитой иқтисодчиларининг кўпчилиги ижара давлат корхоналари ишчи жамиятининг самарали усули ва ҳозирги босқичда ҳўжалик механизмининг ислох қилишининг асосий йўналиши деб ҳисобламоқда.

Ҳўжалик юртилишининг бу усули учта энг муҳим муаммони ҳал этишга имкон беради: биринчидан, корхоналарни ҳўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маъна билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида ишлайдиган нисбатан мушкул ҳўжалик биргалик айлантиради; иккинчидан, де-

И. ЕРМАТОВ,

иқтисод фанлари кандидати.



Шаҳримизда ишчи номини улуғлаётганда кўп. Улар халқ ҳўжалитининг турли соҳаларида феолик кўрсаткичлар. Узоққа бормасдан Тошкентдаги миллий чолғу асбоблари фабрикасини олиб кўрайлик: йиғувчи-мастер Анатолий Чернов фабрика йиғув чехининг энг яқин ишчиларидан биридир. У миллий чолғу-асбобларнинг мусиқий бўлишига муносиб ҳисса қўшди.

Ана-ука Тоҳир ва Носир Мирзаевлар эса ишчилар сулоласининг ворисларидан. Бу оила сулоласининг иш ста-

жия ҳисобласан 95 йили ташкил этади. Сулола сарвари Маисур ака 45 йил шу корхонада меҳнат қилди. Ўғиллари Носир, Зокир, Тоҳир ва келини Тамара Носир номи билан фабрикада билмайдиқлар йўқ. Улар ҳар доим атоло сифатида махсуслот чиқараётганидан бутун коллектив миянатдор.

○ СУРАТЛАРДА: илғор йиғувчи мастер А. Чернов; ана-ука устаслар Тоҳир ва Носир Мирзаевлар.

Р. Шарипов фотолари.



СУРОНЛИ ЙИЛЛАРНИ ЭСЛАБ

Собир Раҳимов районидида Бобур номида маҳаллада тез-тез учрашув ва мушоралар ташкил этилади. Бу янгича урф-одатларнинг кенг тарғиб ва ташвиқ қилинишига катта эътибор беришмоқда. Кўни кеча Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан бўлган учрашув ана шундай ҳаяжонли ўтди.

— Биз Ватанимиз озодлиги учун қон кечган ҳар бир отахон ва онахон билан ҳақли равишда фарҳангмиз, — деди маҳалла комитети раиси Бекмурод Жўраев. — Сизларнинг жасоратингиз билан бизнинг учун ўр-нак ва намуналар.

Улуғ Ватан уруши ветерани Аҳрор ота Зокиров сўзини бошлади, бирдан яқини қолди. У шу пайт ҳандақларда кўрган-кечганларини ўйлайди. Ёнида ёнган қилган қуролдорларини эслади. Шу бахтиёр кўнларга етиб келолмаган дўстларини ҳайли-га келтиргандир. Бир муддат сукут сақлаб, сўнг сўзини давом эттирди.

— Урушнинг жабрини биз сингари минглаб, миллионлаб ветеранлар тортган. Бир бурда ноияни таъмин сизинг учун узоқроқ сўришга ҳаққа қиларди. Ҳа, уруш юртимизни, ўйимизни, қалбимизни тилка-пора қилиб ташлади. Ҳалабда бежиз келгани йўқ. Кўни кеча касалхонадан чиқдим. 44 йиллик «ҳамроҳ» бўлган уруш заҳаси — ўқ парчасини олиб ташладим. Шунинг учун ҳам биз уруш сира бўлма-син дейман.

Шоирлар Мукаррама Муродова, Фарид Усмон, Замира Ёгамбердиева, Ёзувчи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мирзакарим Пирматов, тарбия Сиддиқа Азизова ўзларининг дил сўзларини изҳор қилдилар. Ўзбекистон ССР халқ артисти Дилафруз Жабборов, хушнов ҳонадалар Бахтиёр Холхўжаев, Ҳамидулла Мирзаулов, Акрамжон Ёгамбердиев ва бошқалар ҳам кечага фойиз киритди.

— Ишчиларимизни энг

Ҳамкорлик кенгаймоқда

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги иқтисодий шароитдаги дастлабки натижалари ёмон бўлгани йўқ. Айниқса, шартнома бўйича махсуслот етказиб бериш пани бу корхонада муваффақият билан ола этилди. Ўзгина меҳнат унумдорлигининг панидан ташқари оширилиши ҳам 103,8 процентини ташкил этади. Харидор трикотаж буюмлари янги ассортименти билан бойиб бормоқда. Ярим жун матодан тўзилган аёллар кўйлагини, сунтий матодан тўзилган спорт костюмлари ва болалар кийимлари оммабоилиги билан ҳозирги кун талабига тўла жавоб беради.

Ишчиларнинг яқини ишлаши учун зарур бўлган қўлайлик тўла яратиб берилган тақдирдагина ютуқлар ана шундай қувончли бўлади.

Юқорида гапни озиқ-овқат таъминотида бошлаган эдим. Бу ўрнида қолхоз, совхозлар билан ўзаро ҳам-

корлик, яқини натижа беришти. «Ленин йўли» қолхоз билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома ишлаб чиққанмиз. Яъни қолхозчилар ишчиларнинг йил давомида 300 тонна қишлоқ ҳўжалик махсуслот билан таъминлашга аҳд қилишди. Биз эса ўз навбатида қолхозчиларга 40 минг сўмлик теплица қуриб бермоқчимиз.

Шунингдек, далада пишиқ етилган махсуслотларни йиғиштириб олишда уларга ишчи кучи билан ҳам ёрдам бериб тураман. Қолаверса, ўзимизнинг территориямизда яқин кўнларда сабабот ва мева дўқони ишга туширишни мўйлашмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, «Малика»нинг ишчиларига яратилётган бундай шароит уларни унумли меҳнат ва ютуқлар сари унда-

Ф. ҲУСАНОВА.

СССР Алоқа министри-
нингТОШКЕНТ
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА
АЛОҚА ИНСТИТУТИинститутга кириш имтиҳон-
ларига тайёргарлик бўйичақулуғи
бир олий курсларгаТИНГЛОВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИМашгулотлар — ўзбек ва
рус тилларида олиб борилади.Машгулотлар — 19 июнда
бошланади.
Таълим учун — 25 сўм
ҳақ тўланади.Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Энгельс кў-
часи, 108-уй, 226-хона.ЎЗБЕКИСТОН КОМПАР-
ТИЯСИ МАРКАЗИНИ КО-
МИТЕТИ НАШРИЁТИГАполиграфия ускуналарини
ниги соловчилари, автога-
раж бухгалтерлари, омборчи,
автокранчи, вентиляция бўй-
ча слесари, слесарь-сантех-
ники, газ-электр пайвандчи,
транспортга хизмат қилувчи
ёрдамчи ишчи, қорувиллар

КЕРАК

Шунингдек, 4—5 разряд-
дан кам бўлмаган малакада-
ги бўёқчилар, дурадгорлар,
ғишт терувчилар, сувоқчи-
лар, қошиқкорлар, қуйма
ҳарф териб машинасининг
ҳарф терувчилари шогирд-
лари керак.Мурожаат учун адрес: Тош-
кент шаҳри, Ленин кўчаси,
41-уй, кадрлар бўлими.

«СРЕДАЗГАПРОМ»

ишлаб чиқариш
бирлашмасининг«ЎЗСПЕЦЭНЕРГОАЗ»
иختисослашган бошқармасига60—70 та автомашина
жойлаша оладиган гараж
учун шойилини равишда
жой

КЕРАК

Мавжуд қурилишлари би-
дан бирга ўз территорияси-
ни сотиш ёки яқиндаги бериб
туриш имкониятига эга бўл-
ган Тошкент шаҳридаги таш-
килотлардан қуйидаги ад-
дресга хабар қилишларини
сўраш: Тошкент шаҳри,
М. Горький проспекти, 32
«а» уй. Телефонлар: 57-87-
31, 67-89-12.ТОШКЕНТ ШАҲАР
АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ,
ҚАЙТА ҲАЙТИШ ВА
КАСБГА ЁЎЛЛАШ
МАРКАЗИИШГА ТАКЛИФ
ЭТАДИ«ТАШТРОЙСТРАНС»
транспорт ишлаб чиқариш
бирлашмасининг10-АВТОТРАНСПОРТ
КОРХОНАСИГА:«Е» категорияга эга бўл-
ган ва Тошкент шаҳрида
проектда турувчи автомо-
биль ҳайдовчиларини панел-
лар таниш учун мўлажалла-
ган «МАЗ-504» автомобил-
ларида ишлаш учун.Меҳнатга ишбай-мукофот
тарзида ҳақ тўланади.
Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Космонавт-
лар проспекти, 5-уй.СССР ҚУРИЛИШ
МИНИСТРЛИГИНИНГ
ЎРТА ОСИЕ
МЕХАНИЗАЦИЯ
БОШҚАРМАСИўзгарувчан ва доимий ток
электр двигателлари барча
маркалардаги, қуввати 100
квт. гача бўлган рўзгор
электр двигателлари ва
трансформаторлари симла-
рини ўраш юзасиданаҳолига, корхоналар,
ташкilotлар, колхозлар
ва совхозларга
қурилиш хизмат
кўрсатади.Адрес: Тошкент шаҳри,
44-алоқа бўлими, Венгер-
ска кўчаси, 29-«а» уй. Те-
лефон: 54-55-59.«Студенческий» коопе-
ративнинг йўқолганДУМАЛОҚ МУҲРИ,
БУРЧАКЛИ ШТАМПИ ВА
ШТАМПАЧАСИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Студенческий» коопе-
ратив.«Союзреклама» Бутун-
иттифоқ ишлаб чиқариш
бирлашмасининг Ўзбеки-
стон реклама ишлаб чиқариш
корхонаси.ЎҚИШГА
МАРҲАМАТЎзбекистон ССР Халқ таълими министри-
нинг 26-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8 — 10 синфни тамомлаган ёшларниЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЗАРГАРЛИК (1,5 — 3 йил);
ЧИННИГА ГҮЛ СОЛИШ (1 — 3 йил);
ЧИННИ САРАЛОВЧИ (1 — 3 йил);
ЧИННИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ (1—3 йил);
САНОАТ МАШИНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛАДИГАН
СПЕЦИАЛЛАР (1 — 3 йил).Билим юртига ёши 15 ва ундан юқори бўлган 8—
10 синфни битирган Тошкент шаҳрида ҳамда Тош-
кент ва Калинин районларида истиқомат қилувчи
йигит-қизлар қабул қилинади.Ўқиш муддати 8-синф маълумотига эга бўлган ёшлар
учун 3 йил.Ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал
иссиқ овқат билан таъминланадилар.10-синфни тамомлаган ёшлар учун ўқиш муддати 1—
1,5 йил бўлиб, 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқ-
ариш практикаси вақтидаги иш ҳақининг 50 проценти ўқу-
вчиларга тўланади.Билим юртини тамомлаганларга эгалаган мутахассис-
лиги ҳақида диплом ва ўрта маълумоти ҳақида аттестат
берилади. Шунингдек аъло баҳолар билан битирганлар
олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда қабул қилинади-
лар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига кириди.

Билим юртида заргарлик хунарини ўрганган ўқувчилар
Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик хунарини ўр-
ганган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаш-
тирилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топ-
ширишлари лозим: директор номига ариза, тузилганлиги
ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкиси (286-форма),
6 дона фотосурат (3х4 см.), тарбияма ҳоли, мактабдан
характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка.Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов
райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 59, 76, 166-
автобусларнинг «Қўштут» бекати. Телефонлар—44-30-07,
44-15-86.Ўзбекистон ССР Халқ таълими министри-
нинг Тошкент область Оржоникидзе районидagi

12-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йилига

ҚУИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КЕНГ ИХТИСОСЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТ (сле-
сарлик ҳамда автомобиль ҳайдаш ҳам ўргатилади),
ЧОРВАЧИЛИК ОПЕРАТОРЛАР, ЧОРВАЧИЛИК МЕ-
ХАНИЗАТОРЛАР, 3-КЛАСС ТРАКТОРЧИЛАР, МЕ-
ХАНИЗАТОРЧИЛИК МУТАХАССИСЛАРИ, АСАЛ-
АРИЧИЛАР, ЧОРВАЧИЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАРИ
(электромонтерлик йўналиши бўйича).Билим юрти 1962 йилдан буён кишлоқ хўжалиги учун
малакали кадрлар тайёрлаб келмоқда. Бунинг учун би-
лим юртида барча шарт-шароит мўҳайё этилган. Ўқу-
вчиларнинг барча замонавий асбоб-ускуналар билан
тўлдирилган. Талабга келишига бўйича барча ўқу-
вчиларга мавжуд бўлиб, касбиятини пухта эгалашга
имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, турт маҳал
бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъ-
минланади.Билим юртида балий ҳаваскорлик тўғрисида, фото тў-
ғрисида, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол
теннис мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол май-
дони, отиш тури мавжуд.Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанизмнинг гўзал ва
наҳрамон шахарларига экскурсияга бориладилар. Билим
юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юр-
тиларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўлади-
лар.Ўқиш муддати 3 ВА 1 ЙИЛ. 3-класс тракторчи
группаларида ўқиш муддати 6 ой. Бу группани битирган
барча ўқувчилар Тошкент аэропорт заводига ишлаш учун
йўлланма берилади.Кенг ихтисосли тракторчи-машинист ва автомобиль
ҳайдовчилари группаларига фақат 8-синфни битирган
ўқувчилар қабул қилинади.Қолган мутахассислар бўйича 3 йиллик группаларда
8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларда 10-синфни
тугатиш йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.
Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топшири-
лади: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни битирган-
лиги ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, 8
дона фотосурат (3х4 см.), медицина справкиси, тузил-
ганлиги ҳақида гувоҳнома.Қабул комиссияси ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 га
ча ишлайди.Билим юртининг адреси: Тошкент область Оржон-
икидзе райони, «Геофизика» посёлкаси.Тошкент шаҳридан 1, 16, 24-автобусларда «Троицкий
поворот» бекатига; метронинг М. Горький стан-
циясидан 63-автобуста охири бекатига борилади.Луначарский шоссеси «Марказ» бекатидан «Тошкент
Чингелди», «Тошкент-Тузель» автобусларининг «Гео-
физика» бекатига борилади.Ўзбекистон ССР Халқ таълими министри-
нинг 43-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йили учун

ҚУИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚУРИЛИШ БЎЕҲЧИСИ, СУВОҚЧИ, ҚУРИЛИШ
ДУРАДГОРИ, ДУРАДГОР, ҚЎЛДА ПАЙВАНДЛОВЧИ,
ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ.
Ўқишга 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ
ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.8-синф ҳажмида маълумотлар учун ўқиш муддати
— 3 йил, ўрта маълумотлар учун эса 1 йил ва 8 ой.
8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар
кийим-бош ва бепул овқат билан таъминланадилар, иш-
лаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган
меҳнат ҳақларининг 50 проценти ўқувчиларга берилади.Билим юртини битирганларга ўрта маълумот олган-
ликлари тўғрисида ва эгалаган касблари ҳақида диплом
берилади.6-ой ўқийдиган ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан сти-
пендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топ-
ган меҳнат ҳақларининг 50 проценти ҳамда база корхо-
наси ҳисобидан 40 сўм қўшимча тўланади.Ўқиш даври ўқувчи меҳнат стажига ҳи-
шиб ҳисобланади.Билим юртида спорт секциялари, бадний ҳаваскорлик
тўғрисидаги, фото тўғрисида, вокал-чолгу ансамбли ва
халқ чолгу ансамбли ишлайди.Билим юртини «ЯХШИ» ВА «АЪЛО» БАҲОЛАР
БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИЛАРИГА
Ўқишга ЮБОРИЛАДИЛАР.Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусовод
массиви, 9-квартал (25, 26, 29-трамвайлар, 24, 112-ав-
тобуслар билан борилади). Телефон: 21-00-22.Болаларга қувонч
бағишлабРектор, профессор О. Ю. Юсупова ва умумий фортепиано
кафедрасининг ўқитувчиси А. А. Беширова илгари сурган
М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг
ота-онасиз қолган болаларга музикали-оқартув оталиги тоғси
мана икки йилдан бери олий ўқув юртининг педагоглари
ташбўскур группаси ва Тошкент шаҳри Киров районидagi
29-Болалар ўйи раҳбарияти томонидан муваффақиятли ҳаёт-
га жорий этиб келинапти. Болаларнинг «жиддий» музикага
жалб этишдек олийжаноб иши Б. М. Муртазоев, В. И. На-
бандян, И. У. Сулаймоновдан иборат консерватория педагог-
ларининг танилиш ансамбли бошлаб берган эди. Улар ёш
тингловчиларини Ўзбекистон композиторларининг асарлари
билан таништирдилар. Ушбу сурат эса музика ҳақида бўлиб
ўтган сўнгги сўхбатлардан бирда олинган. Ана шу сўхбатда
вокал-хор факультетининг студентлари иштирок этидилар. Эъ-
тироф этиш керак, иккичилар билан тингловчилар ўртасида-
ги ана шундай тўла йўналиш ҳамма ерда ҳам учравер-
майсиз. Мазкур музикали учрашувларнинг ҳар бири болалар
ҳаётида кашфиётлар ва кутимлаган воқеаларга бой унутил-
мас воқеа бўлиб қолади.

М. Болтабоев фотоси.

Санъатнинг сеҳрли олами

Саҳна ёш
танламайди

Олти нафар битирувчи

Йигит-қизлар мустақил ҳа-
ётнинг мураккаб, зиддият-
ларга тўла сабоғига илк бор
ана шу қадрдон синфлари-
да юзма-юз бўладилар.
Зотан, уларнинг синфдаги
шўх-шодон ҳазил-муйтойи-
га, ўйин-кули билан бошлан-
ган давра йигитни кўп ўтмай
жиддий можаорга айланиб
кетди...Октябрь районидagi 115-
ўрта мактаб қошидаги дра-
ма студиясида саҳналашти-
рилган «Хайрлашув кечаси»
спектакли ана шу тахлит во-
қеа билан бошланади. Маз-
кур саҳна асарига Влади-
мир Тейдрикнинг «Хайр-
лашув кечаси» повести мо-
тивлари асос қилиб олинган.Илгарилари мактабларда
турли спектакллар саҳна
юзини кўрган. Уларнинг и-
сри саҳна асарларига нис-
батан низоғда паст даража-
да қўйилганлиги, ўқувчилар
эса ҳақиқий актёрларга
очиндан-очиқ тақлиддан на-
рига ўтаолишларини билан
акрабли турарди. Тўғриси-
ни айтиш керак, бу томошалар
машҳур драматургларнинг
ҳаммамизга таниш асарла-
ридан олинган айрим парча-
лар тусини оларди, ҳолос.115-ўрта мактабда саҳналаш-
тирилган мазкур асар юқо-
рида зикр этилган камчилик-
лардан ҳоли. «Хайрлашув
кечаси» спектаклининг ўрта
мактабда аратилган илк жид-
дий, тўлақоғли саҳна асари
сифатида эътироф этиш мум-
кин. Негаки, бу спектаклда
саҳна асарига хос барча
компонентлар: музика, де-
корациялар, либослар асар
руҳига мос. Бундан ташқари
асардаги ахлит воқеаларни
асар-бутунлигига талкин
этишга эришилган: спектакл
бир соат давом этади. Шун-
и айтиш керакики, Владимир
Тейдрикнинг замонавийнинг
энг талантли адибларидан
бири эди. Унинг асарларида-
ги теран фикрлар, кишини
кескин мушоҳадага ундай-
диган муаммолар мулоқат
кинобинини ўйлантириб қў-
яди.«Хайрлашув кечаси» саҳ-
на асарини мактаб қошидаги
драма студияси раҳбари Фар-
ҳод Файзиев адибнинг шу
номли киниссалардан жамла-
ган.— Болаларни зўрлик би-
дан бу ишга жалб қилишгахонат қолмади, — дейди
Ф. Файзиев. — Сабаби, асар-
ни дастлабки ялпи ўқиш
жараёнидаёқ уларда бу ишга
жиддий киришish уйғонди.
ҳар бир иштирокчи умум
ишмамизга астойдил жон қуй-
дириб, асарни тезор саҳна-
га олиб чиқиш иштиёқи би-
лан ёна бошладилар.Асарда образларни ярат-
ган ўқувчиларнинг ҳамма-
си шу мактабда тахсил оли-
шди. Шунга таъйинлаш ло-
зимки, асардаги бошқа ро-
ллари яқин эглан Латофат
Ҳалилова, Ғулом Набиев,
Малоҳат Қорабоева, Муҳай-
и Ёлсоева, Гаффор Ҳошимов
ва бошқалар ҳам ўзларига
берилган вазифа устиди ти-
нимсиз иш олиб боришди.Мазкур саҳна асарини
ўқувчилар шахримизнинг бир
қанча мактабларида намойиш
этишди. Жўмладан, улар рес-
публика областларида ҳам
кўрсатиш истагидилар.Асарнинг энг қизиқарли
томони шундиги, унда ёзув-
чи ўн йил давомида бирга,
бир синфда ўнган олти ўқу-
вчини кутимлаган воқеалар
ва ҳолатлар билан юзма-юз
қилиб қўядики, уларнинг
ҳақиқий инсоний қиёфалари
очилди. Қарабсизки, ўн йил
ўнган дўстлар ҳали бир-
бирларини билишмас экан.
Ана шу воқеалар сабаб мус-
тақил ҳаётга қадам қўйиш
арафасидаги ёшлар кўп на-
саларни англаб етдилар.
Инсоннинг, дўстлигининг қад-
рига етиш учун энг аввал
нималарга эътибор бериш
керак? Қандай ҳолларда дў-
стни кеңириш, қандай ҳоллар-
да ундан воз кечиш керак,
деган саволларга жавоб топ-
гандай бўладилар.Спектакл тугади. Уни
қўриш жараёнида жон ун-
ган томошабилар ёш санъат-
корлар, уларнинг истеъ-
додлари шаънига илқ гап-
ларини айтишди. Ўқувчилар
чеҳрасидаги қувонч катта
ғалабага эришган ғолиблар-
ни эслатади. Саҳна ёш танла-
майди. Зеро, унинг қадрини
англашга, захирагини туйиш-
га, ҳис этишга ҳар ким ҳам
қодир эмас.

Д. ЖАЛОЛОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
12 МАЙДАА. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик
катта театрининг бош балетмейстери, Ўзбекистон ССР
халқ артистиИБРОҲИМ ЮСУПОВИЧ ЮСУПОВ
балетмейстерлик фаолиятининг 25 йиллигига
бағишланган

БАЛЕТ КЕЧАСИ

(3 бўлимдан иборат)

1-БЎЛИМ

У. Мусаев.

«ТУМАРИС»

(бир пардали спектаклдан хореография композиция).

2-БЎЛИМ

Р. Вильданов.

«МЕДЕА»

(бир пардали балет)

Концерт дивертисменти.

3-БЎЛИМ

А. Глазунов.

«РАЙМОНДА»

(балетнинг иккинчи саҳнаси)
БАЛЕТ КЕЧАСИДА СССР халқ артисти В. ҚОРИ-
ЕВА, Ўзбекистон ССР халқ артисти Г. ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҚКАССР
халқ артисти, Москвадаги балет артистлари IV Халқаро
конкурсининг дипломанти З. ДАВЛЕТМУРАТОВА, Ўз-
бекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон
Ленин комсомол мукофотининг лауреати Ф. САЎДУЛ-
ЛАЕВА, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист,
Токиодаги балет артистлари халқаро конкурснинг лау-
реати В. КЛОЧКО, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсат-
ган артист Х. БОЗОРОВ, И. КИСТАНОВ, Ўзбекистон Ле-
нин комсомол мукофотининг лауреати Н. АЛИМОВА-
лар қатнашадилар.Балет театр кассасида соат 10 дан 19.30 гача со-
тилади.

Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Справкалар учун телефон: 33-90-81.

В. Н. СИВЕЦ НОМИДАГИ АВИАСОЗЛАР

МАДАНИЯТ САРОЙИДА

16 май соат 19.30 да

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ
МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«ПАРВОЗ» ХАЛҚ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Тошкент область Ленин комсомол мукофотининг лау-
реатлари:

СОАТ ШАРИПОВ,

ҲУСАН НОСИРОВ

«ПАРВОЗ» ашула ва рақс ансамбли солистлари:
Махмуржон АЗИМОВ, Мансуржон МАМИРОВ;
РАҚСЛАРНИ САҲНАЛАШТИРУВЧИ: — Ўзбекистон
ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба МАДРАХИМО-
ВА.Концерт программасини — Соат ШАРИПОВ
олиб боради.Билетлар авиасозлар Маданият саройи кассасида соат
15.00 дан сотилади.

Телефонлар — 96-79-92, 96-79-70.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 1/1.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ
ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИНИНГ
«ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ»
ПАВИЛЬОНИДА18 МАЙ СОАТ 11.00 ДА
КИМ ОШИД САВДСОСИ УТКАЗИЛАДИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСНАВИНИНГ РЕСПУБЛИ-
КА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИКИМ ОШИД САВДСОСИГА
«ЗИЛ-130» (борли) юк автомобиллари, «ГАЗ-24-10»
(янгил) енгил автомобилларини, «ГАЗ-52» (шассис),
барча маркалардаги «ЖИГУЛИ», «ГАЗ-31» (янгил) авто-
мобилларини, турли қурилиш материаллари, сантехника
ускуналарини ва бошқа маҳсулотларни

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Корхоналар, ташкилотлар ва кооперативларнинг ва-
киллари савдо битимлари тузиш ҳуқуқини берувчи ўз
гувоҳномаларини ёиларида олиб келишлари шарт.
Справкалар учун телефонлар: 41-11-20, 41-32-71,
41-16-60.КОНКУРС ПИСАНД ЭМАС
АГАР СИЗ «СИГНАЛГА МУРОЖААТ
ҚИЛСАНГИЗ